



HUDUDGAZTA'MINOT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табний газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш ШАРТНОМАСИ

2022 йил 27 январ 81 -сон Нукус Тумани
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Нукус Тумани
Махалла ва оилани қ.қ. Бунёдчи
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари С. Абдулова

бир
томондан ҳамда Низом ва 2022 йил 05 январ да берилган 03-19-03/32 сонли
ишончнома асосида фаолият юритувчи "Иккидағаз Асогарегистор
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),
раҳбари Т. Жамалов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида
мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 20 _____ йилда _____ куб.м, нархи _____ минг сўми ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>2363</u> минг.м3,	январ	<u>787</u> ,	февраль	<u>787</u> ,	март	<u>787</u>
II чорак	_____ минг.м3,	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____ минг.м3,	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____ Минг м3,	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши нздан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 2777-сон қароридан қайд этилган стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган таъбирнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйилган ташкил қилди:

I чорак	_____	минг куб.м.	январь	_____	февраль	_____	март	_____
II чорак	_____	минг куб.м.	апрель	_____	май	_____	июнь	_____
III чорак	_____	минг куб.м.	июль	_____	август	_____	сентябрь	_____
IV чорак	_____	минг куб.м.	октябрь	_____	ноябрь	_____	декабрь	_____

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томондан чорак учун ажратилган таъбирий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини таъбирий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томондан навоҳатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган таъбирий газ ҳажмлари ўзгарishi бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Санонат ва коммунал фойдаланиш учун таъбирий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги таъбирий газни етказиб берилди.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида бarchа усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчинини газ етказиб бериш кискартрилишига қадар қамлда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартрилиши ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технология қил режимлари бузилганда, шунингдек, куз-қиш мавсумида иқтисодий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда таъбирий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчинини олоҳантриван ҳолат га газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи эса захира ёқинги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни муносабат алмашлишни таъминлаш учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқинги туридан фойдаланишни қўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан таъбирий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқингига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан, соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгарishiга олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланish Таъбирий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Таъбирий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуқсиз технология жараянини ҳисобга олиб, таъбирий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни ҳисобга олмадан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекс буйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланги ҳисобланади) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Ёрилик миқдори стандарт шароитда 1 м³ газ олинади: харорат 20° С, босим 101.325 кРа (760 ммНг) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-қамбей параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва меъерларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилди. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ

Истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУТ) дарига ўлганлиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексини ўрнатилиш ва ишлатилиш амаллари қондалар ва меъёриларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030-2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйилган умумий талаблар", O'z DSt 8.031-2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник таъсирлари амалдаги меъёрилар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қисмов кўригидан ўтказилган сертификати ваёки метрологик аттестацияга эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларининг қисмов кўриқдан ваёки метрологик аттестациядан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қисмов кўригидан ўтказиш ваёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарқибий қисмларини) "Ўзстандарт" агентлигидан метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатда (қисмов кўриги/қалиблар, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатилиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккага томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатилиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрилар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатда (қисловдаш кўриги/қалиблар, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатилиш техник ваёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккага томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ваёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатилиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрилар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Этказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексининг эгаси қакиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалларида Этказиб берувчи билан келишिलाди.

3.13. Газнинг физик-қимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киртиллади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-қимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Этказиб берувчи Истеъмоличга газнинг физик-қимёвий параметрларини ўз вақтида этказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Этказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ваёки ўлчаш комплексининг газ ҳажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолич иштирокида ўрнатади ва тегишли даволатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолич жаавобгардир.

3.15. Этказиб берувчи Истеъмоличнинг газ ўлчаш приборлари ваёки ўлчов комплекслари ва уларнинг тарқибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолич Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Этказиб берувчи вакиллариининг ўлчаш приборлари ваёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z Dst 8.586 (1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритаъбий ҳолатлар юзатга келган тақирда O'z Dst 8.064-2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировак). Ўлчаш қурилмаси ва ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашилиш ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш усқунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли — газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четгаб ўтган ҳолда истеъмо қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартрилганда - охириги хатловдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) — шартноманиннг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтта;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда — қислов кўригидан ўтказиш учун ечилганда — ҳисобга олиш прибори ечилган кундан "Ўзстандарт" агентлигидан қисловдан ўтказилиб, сертификат олинниб жойинга ўрнатилган кунгача бўлган вақтта;

д) ҳисобга олиш приборини қислов кўригидан ўтказиш ваёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати туғалда — қислов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати туғалан кундан қислов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтта;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларининг бутлиги бузилганда — охириги кўриқ ёки газ таъминоти таъшиқлоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтта;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қуйилганда — охириги кўриқ ёки газ таъминоти таъшиқлоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтта;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технолоик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ТТПларида асбоб-усқуналар ўрнатилганда - охириги кўриқ ёки газ

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда:

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда таъбирий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар арғашува кунини ва фактнинг тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бирок давво муддатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобта олиш приборининг хотирасида сақланган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТҲНАТ (АСКУП) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган таъбирий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТҲНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинган);

л) газ истеъмолни ҳажмлари ҳисобта олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қўрилмаси ўрнатилш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аяқкомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлиги факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобта олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобта олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг мейврий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинган.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бўзилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлимларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказилганлиги учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобта олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобта олиш прибордан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатилган асбоб-ускуналарни ишлаш граффитини тузиши ва ишламайдиغان газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб ташланганини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобта олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин давво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи макур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошлангандан камидя 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошлангандан камидя 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган таъбирий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мувожабат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошлангандан камидя 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига таъбирий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик таъбирий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридя олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган таъбирий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловиз етказиб берилмайдй.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайдй (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустафо).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугалгандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Таъбирий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан таъбирий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар қайтарилмайдй, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса қилгусида газдан фойдаланишда ҳисобта олинандй.

4.9. Истеъмолчи томонидан таъбирий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган таъбирий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлагини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алюминдор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қисқа тўташу ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабди истеъмол қилинган таъбирий газ ҳажминини ўрнатилган газ асбоб ускуналарининг тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустафо.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчиннинг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аване тўлови хисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчинни хабардор қилган холда қарзни қоплагша йўналтирилади ва аване тўлови сифатида хисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилиши хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар бўйича хисоб-китоб қилдиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган холда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан истеъмолчига электрон хисобоварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномаси Истеъмолчида қуйдаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архива маълумотлари;

б) Истеъмолчи тақдим этилган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ТТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги даволатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ТТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилди.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасига асосан электрон хисобоварак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш даволатномасини имзолаш мақсади билан эштирилган билан имзолаш Истеъмолчининг кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон даволатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойна тутилган кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида маълум қилиб, сўнг даволатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчлик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгартирилди, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қўча қирғанидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аване тарикасида тўланган хажми учун тўлов кундан бошлаб қўли билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

У. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17, ва 4.18.-бандида кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланган ва икки нусхада тузилган даволатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган даволатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчинини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН ҲИСОБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйдаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳақида ушбу ҳолатларнинг бартаф этилганига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилган:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари билан газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш қурilmаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда.

Етказиб берувчининг ва "Ўзнефгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда:

- хисоблаш приборларига касддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда:

- газни хисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига энд равнишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёқуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бон берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайдди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчилан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ўлдирилади. Шартномабинг 13.1-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) дариға уланган истеъмолчиларни масофадан қайта ўлаш учун ҳақ ўндирилмайди.

VII. ТАРМОҚЛАРНИНГ ХУСУСЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечирриш;
- табиий газ етказиб бериш кискартган ёки тўхтатган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камдада уч йил мобайнида ўзида сақлалишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18-бандлариға кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилтуғниға қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғоҳланттиришларсиз тармоқдан ўчирриш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойлиқларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчиға газ етказиб бериш шартномасида қелиншилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияға қарши давлат органининг тақдимномасиға асосан шартномаға ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномалариға мувофиқ истеъмолчиларининг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларға профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- ояқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- исик сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларға ҳам эға бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларға эға:

- техник заруратға қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кискарттириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқлариға руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқидан ўзиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талаблариға риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатлариға мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқлариға авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чорақларни кўриш зарурати юзатга келганда, Истеъмолчи билан қелинмасдан ва уни оғоҳланттирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарлиқлар бартараф этилтуғниға қадар аввалдан оғоҳланттирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама беқор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйидагиларға мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш делолатномасини ва ҳисоб-варақесини расмийлштириш учун ҳар ойнинг 5-санасиғача Етказиб берувчиға электрон газ ҳисоблонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳўжжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқлариға ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари даҳлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқлариға сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасиға (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишиға йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вақиллари ва “ўнефтанспекция” ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини қуннинг исталган вақтда эркин кўздан кечирлишни таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозлиқларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқиға эға бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашита тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалға оширмаслик, уларнинг қаддан бузилишиға йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларининг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишдаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши ҳолатида табиий газ сирфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУТ) тизимида ўлганган ҳисоблаш приборлари истеъмолини томонидан ўрнатилши.

7.4. Истеъмолини Етказиб берувчидан кўндалмадан талаб қилиш ҳуқуқида эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга нозори бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишдаги носозликнинг шончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларида кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида ривож қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларида мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРФЛАРНИНГ МОЎДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолинига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун кўндалмадан жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолини томонидан газ таъминоти тармоқларида кўшимча газдан фойдаланиш уқуқинини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;

г) истеъмолини томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мажбур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижада Истеъмолинига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миксориининг ўн баробаридан ўн беш баравари миксорида жарима қўлланилади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳужжатлик - юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, кўндалмадан ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) қиш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиқлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан ўзиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолини томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолинига газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийمатининг 20 фоизи миксорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқида эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолинига Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқида эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолинига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миксорида, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миксорида пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолинига муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миксорида, бироқ муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миксорида пеня тўлайди.

IX. ҚОРҶУПЧИГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирга нисбатан амалдаги қорҶуपчида қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадиқ этилишини ифодалайди ва қафолаттайди.

9.2. "Истеъмолини" "Етказиб берувчи"га мажбур шартнома доирасида кўндалмадан қафолаттайди ва кўндалмадан мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ҳодимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолини манфатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг қорҶупчида қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларга катъий ривож қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзата келган тақдирда томонлар қондала қура, уларни судга ҳал этиш чорадарини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:
а) таъиний офатлар:

б) магнетрал газ кувурларида ва газ тармоқларида, газни кайта ишлатиш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида кўттилмаган авария вазиятлари юзатга келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган таъиний офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ётнин чикниши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмаг қолганда жавобгарликка жалб этилмагдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, кискартриш ёки муносабатларни тўхтатиш хуқуқига эга бўлади.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзатга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воғнагаси ёрдамидда бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қилади.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартриш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилгани ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ШК-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга қиради.

12.3. Шартнома йил 31 декабртача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мувожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мувожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга ўзайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили " _____ " йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дарволари дарво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 18 июлдаги "Таъиний газ ва электр энергиясини сотиш механизмини тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Таъиний газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураи хузуридаги Мажбурий иқроо бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккалада нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудияз Корпакс/тоғистон»	«ИСТЕЪМОЛЧИ» Нусус Тудани Шайхона Бошқарув К.К. Будаши (Бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)
Манзил: Тел/факс: Нукус шаҳри, Берах гузари №179	Почта манзили:
КТУТ коди	ОКПО коди
ХХТУТ 35220	ОКСЭД
Боғланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	Мулоқот телефони
х/р:	Банк номи: «Ўзбекистонқурилиш банк Раҳат филиали»
Банк номи: «Ўзбекистонқурилиш банк Раҳат филиали»	МФО: 00435
ИНН: 306605769	ИНН: 207316480
Х/Р 286390040511 3960516	Ш/Х
Раҳбар: Х.Айминов (ф.и.ш.)	Раҳбар: С.Аббасова (ф.и.ш.)
Имло: Тудани Шайхона Мухр ўрни: БОШҚАРУВ К.К. БУДАШИ	Имло: Нусус Тудани Шайхона Мухр ўрни: БОШҚАРУВ К.К. БУДАШИ

Юридик масъалаччи хулосаси:

Sh. A. & Partners

(Ф.и.ш.)

Настоящий договор соответствует требованиям Гражданского кодекса и Закона Республики Узбекистан "О договорно-правовой основе деятельности хозяйствующих субъектов"

ЮРИСТ _____ 2022 г.

202__ йил «__» _____ даги

_____ -сон шартномага

ИЛОВА

Фойдаланишга қабул килинган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ

Фаолият тури: _____

Кадастр №

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табиий газ тарифи _____ сум _____ тийин

т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	соми		

Келишилган:

Раҳбар: _____

Имзоси: *[Signature]*

Истеъмолчи
Раҳбар С. Абатова
(Ф.И.Ш.)

Ижрочи _____

Мухр урни _____

(Ф.И.Ш.) _____

Имзоси: _____

Мухр урни _____